# ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛИ

(Охири. Боши 1-, 2-бетларда).

Мафкуравий ишимизда катта муаммолар бор. Ҳозирча биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми кураш бошлаган қўшиб ёзиш, ўғирлик ва шу каби давлат манфаатларига зид бўлган салбий ҳодисалар йўлига мафкуравий тўсиқ қўйишга муваффақ бўлганимиз йўқ.

Масалан, яқинда Зарафшон шаҳрида рўй берган ва ўзларига нисбатан ноҳақ муносабат хусусида шикоят қилган баъзи конкрет шахслар орасида норозилик туғдирган воқеалардан ҳам душманларимиз фойдаланиб қолишга уриндилар. Ҳолбуки, райондаги раҳбар ходимлар салбий ҳодисаларнинг сабабларини яхши суриштириб, билиб олмаганликлари маълум бўлди ва айрим маҳаллий раҳбарлар ҳақиқатан ҳам айбдор эканлиги аниқланди. Бунинг учун улар қаттиқ жазоланди.

Социал соҳадаги, жумладан соғлиқни сақлашдаги нуқсонлар ҳам ижтимоий муносабатларни яхшилашга кўмаклашмайди.

Социал адолат принциплари учун кураш ҳам ғоявий душманларимиз билан олишув майдони эканини унутиш ярамайди. Кейинги йиллар мобайнида душманнинг махсус маҳкамалари ва улар билан боғлиқ бўлган чет эл марказлари Ўзбекистон аҳолисига душманлик ташвиқоти таъсирининг миқёсларини кенгайтиришга уриндилар. Республика тўғрисидаги салбий маълумотларни зўр бериб тўплашни уюштириш йўлидаги уринишлар кучаймоқда. Ўзбек тилида Советларга қарши чет эл радиоэшиттиришлари системасини кенгайтириш, чегара орқали душманлик руҳидаги адабиётларни олиб ўтиш йўлидаги уринишлар давом этмоқда.

Атеистик ва интернационал тарбиянинг роли ортмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон делегати, Урганчдаги 94-мактаб директори М. Ёқубованинг XXVII съезддаги нутқи эсга тушади. У хасислик, юлғичлик, ҳаётга енгил муносабат муҳити бир қанча оилаларда тарбияга шу кунгача ҳам таъсир ўтказиб, жиддий тўсиқ бўлиб турганини айтган эди.

Пировардида Бюронинг иш услуби ҳақида икки оғиз гапирмоқчиман. Умуман Бюро шубҳасиз ишловчи орган бўлиб, унинг муҳокамасига йирик принципиал масалалар қўйилди. Агар Бюронинг иш услубидаги камчиликлар ҳақида гапириладиган бўлса, муаммонинг тубига етиб боришга муваффақ бўлинмаган пайтларда баъзан масалаларни юзаки кўриб чиқиш содир бўлаётганини айтиб ўтишим мумкин. Жумладан, Бюро мажлисларида қатъийроқ иш тартиби белгилаб қўйилиши, ҳамма ўз фикрини айтиш имкониятини олиши зарур. Бу эса коллегиалликнинг кафолатларидан бири бўлур эди. Бюро ўз мажлисларининг тартиби тўғрисида қарор қабул қилган бўлса ҳам, аммо бу тартибга ҳамиша ҳам риоя этилаётгани йўқ. Мана шу камчиликлар ва юқорида айтиб ўтилган нуқсонлар тугатилишига ҳамда ҳозирги составдаги бюро ишда ленинча услубни қарор топтиришни таъминлай олишига ишончим комил.

Республикада янгиланиш жараёни оғир кечмоқда, баъзи кишиларда қайта қуришнинг энг муҳим даври орқада қолди, деган нотўғри ҳиссиётлар пайдо бўла бошлади, деди Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари **И. А. Каримов.** Айни вақтда «собиқлар» йўқотилган мавқеларини тиклашга уриниб бирлашмоқдалар, соғлом кучларни ва рўй бераётган ўзгартишларни қоралашга уринмоқдалар.

Нотиқ, биз демократиялаш шароитларида ишлашга тайёргарлик кўрмаганимиз маълум бўлиб қолди, натижада англашилмовчиликлар ва зиддиятлар рўй бермоқда, деб уқтирди. Ҳамма иллат шундаки, ҳозирча ишга нисбатан гап кўп бўлмоқда. Чунончи, Қашқадарёда аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш масаласида оғир вазият вужудга келди. Бу эса касалликларнинг кескин кўпайишига сабаб бўлмоқда. Масалани ҳал этиш йўллари ва муддатлари ҳақида аҳолига тўғридан-тўғри батафсил ахборот берилмаяпти. Бинобарин, ана шундай қилинсагина, одамларнинг ишга бўлган муносабатида, уларнинг фикрида ўзгариш ясашга эришиш мумкин.

Рус тилини ўрганишдек ўткир проблемани ҳал қилиш масаласи гапдан нарига ўтмади. Ҳолбуки, статистика маълумотларига кўра, сўнгги йилларда ҳамма иш жуда силлиқ қилиб кўрсатилди — рус тилини билувчилар проценти сунъий равишда оширилди. Ўқув программаларида ҳам, таълим-тарбияни йўлга қўйишда ҳам, рус тили ўқитувчиларини тайёрлашда ҳам Марказий Комитет томонидан маъқулланган «Рус тили» комплекс программаси бўлишига қарамай, сезиларли силжишлар рўй бермади.

Ўртоқ Каримов Марказий Комитет қатор бўлимларининг иш услуби ва методларини, Марказий Комитет секретарлари М. Ҳ. Холмуҳамедов, В. А. Антоновни қуруқ назариябозлиги, уларнинг фаолияти асосан Тошкент доирасида чекланиб қолаётганлиги, жойлардан ходимлар жуда тез чақирилаётганлиги, партия комитетлари совет ва хўжалик органларининг ишлари билан шуғулланаётганлиги ҳоллари рўй бераётгани учун танқид қилди. Марказий Комитет Бюроси республика Давлат агросаноат комитетида тартиб ўрнатиш юзасидан ҳали ҳам қатъий чора-тадбирлар кўрмади. Жумладан, тўқимачилар эҳтиёжини қондириш учун пахта хом ашёсининг юқори сифатли сортлари ҳамда деҳқонлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг пухта ўйланган системасини жорий этиш талаб қилинмоқда. Умуман, кундалик майда-чуйда ишларга ўралашиб қолмаслик истиқболдаги вазифаларга кўпроқ эътибор бериш, ниҳоят партия ва хўжалик ишларидаги устун йўналишлар системасини аниқлаб олиш зарур.

Сирдарё область Пушкин номли совхоз директори **С. Абдуқодиров** сўзга чиқади. Қайта қуриш тақозо этаётган туб ўзгаришлар хусусида гапиришга ҳали вақт эрталиги ҳақидаги фикрни тасдиқлаш мақсадида у шундай рақамни келтирди, ўн ой ичида республиканинг область агросаноат комитетларига 18 мингга яқин турли ҳужжатлар, буйруқлар, фармойишлар ва шунга ўхшаш қоғозлар жўнатилган. Бундай қоғозбозлик нормал меҳнат қилишга халақит бермоқда. Ўзбекистон Давлат агросаноат комитети раҳбарлари жойларда бўлганларида эса, жумладан, ўртоқ Жўрабеков ҳам биз билан учрашишга вақт топа олмайдилар.

Эндиликда эскирган маъмурий усуллар, айниқса, чорвачиликдек, орқада қолган соҳага катта зиён етказмоқда. Жумладан, совхозга йил сайин хусусий сектордан гўшт топшириш плани тиқиштириб келинмоқда. Ҳолбуки бу умуман унинг иши эмас. Қорамоллар подасини ташкил этиш структураси ҳам «юқоридан» белгиланди. Бундай «планлаштириш» маҳсулот таннархи ошишига олиб келади, фирибгарлар учун имконият яратади. Республика ҳукумати, Министрлар Совети Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг хусусий секторда чорвачиликни ривожлантириш борасидаги ишлари устидан назоратни кучайтириши лозим. Эҳтимол, ўшанда партия комитетлари бундай хўжалик ишларига камроқ аралашадиган бўлишар.

КПСС XXVII съезди олға сурган социал инфраструктурани жадал ривожлантиришдек масалага ҳам кам эътибор берилмоқда: ҳатто иқтисодий жиҳатдан кучли бўлган хўжаликлар ҳалигача ўзлари ишлаб топган катта маблағлардан йўллар, уй-жойлар, мактаблар, социал-маданий-маиший объектлар қурилишида фойдаланиш имконига эга эмаслар. Бугунги кунда эскириб қолган инструкциялар, расмиятчилик, сансалорлик қайта қуришга ҳали ҳам асосий тўғаноқ бўлиб қолмоқда.

Сўнгра Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзи правлениесининг раиси **Т. Ф. Қодирова** сўзга чиқиб, республикада архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларнинг аҳволини, айниқса социал соҳада қониқарли, деб топиб бўлмаслиги тўғрисида гапирди. Айрим раҳбарларнинг меҳнат коллективлари активлигини ривожлантириш, мутахассисларнинг фикрига ишониш, жамоатчилик билан маслаҳатлашиб туриш ўрнига барча учун ишлаш ва ҳамма нарсани қилишга уринишлари давом этмоқда. Масалан, ғоят муҳим ва ниҳоятда зарур ҳужжат — архитектура ва шаҳар қурилишини ривожлантириш тўғрисидаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукуматининг қарори шу кунгача ҳам қабул қилинмаган. Шу қарорнинг лойиҳаси бундан бир ярим ой муқаддам Марказий Комитет секретари В. Н. Лобко иштирокида кенг муҳокама қилинган эди. Лойиҳа Министрлар Советининг кабинетларида ҳамон «тўғриланмоқда», Марказий Комитет Бюросининг аъзоси, Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. И. Огарок бунга эътибор бериши керак эди.

Нотиқ Ўзбекистон Кинематографиячилар союзининг янги раҳбарияти олға сурган маданий-тарбиявий ишлар планини қайта қуришга мумкин қадар кўпроқ ҳисса қўшиш истаги тақозо этган актив ижтимоий позиция намунаси сифатида келтирди. Барча ижодий союзлар, шу жумладан республика архитекторлари шундай ёндашувга асосланишлари керак.

Республика маданият министри **Ў. Р. Умарбеков** санъаткор зиёлиларнинг фаолияти бир мунча жонланганлигини эслатиб, яқин ўтмишдан мерос бўлиб қолган энг ўткир муаммолар тўғрисида гапирди. Марказий Комитет, унинг Секретариати, идеология бўлимлари ўз эътиборини сон-саноқсиз «тадбирлар»дан омма ўртасида қунт билан доимий иш олиб боришга қаратишлари зарур. Маданий фронт муассасалари ва ташкилотлари учун мармар ва ганч ўймакорлиги эмас, балки шинам маскан, одамларнинг, айниқса, ёшларнинг талаб-эҳтиёжларига чин дилдан муносабат хос бўлиши керак. Бизда эса юзлаб маданият уйлари ремонтга муҳтож, ёш мутахассислар хусусий квартираларда бошпана топиб туришибди, маданият объектларини ривожлантиришда қурилишлар муттасил узоққа чўзилиб кетмоқда. Кўпдан-кўп яхши қарорлар қабул қилинган бўлишига қарамай, шундай бўлмоқда. Вужудга келган аҳволда Маданият министрлигининг ва шахсан министрнинг ҳам ўз айби оз эмас, албатта. Шу билан бирга Марказий Комитет, область, шаҳар, район партия комитетларининг театр спектакли ёки концертдан кўра афсуски, кўпроқ футбол ўйинида учрашиш мумкин бўлган аъзолари ва секретарлари танқидга лойиқдирлар. Театр ва концерт ташкилотларига фақат пул даромадларининг манбалари деб қарашга йўл қўйиб бўлмайди — аммо план органлари санъат ходимларига уларнинг қурби етмайдиган, сохтакорликка ундайдиган молиявий топшириқларни тиқиштириб, айни шу руҳда иш кўрмоқдалар.

Кўпгина партия комитетлари ғоят муҳим тармоқдаги партиявий қатламни мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилмаяптилар. Ўн йиллар мобайнида биронта ҳам одам коммунистлар сафига қабул қилинмаган маданият ва санъат муассасалари оз эмас. Бундай шароитда халқнинг маънавий турмушини бойитиш жараёнига партия таъсирини кучайтириш тўғрисида гапириш қийин. Докладда пахтакорнинг обрў-эътиборини ошириш керак, деб тўғри айтилди. Лекин ижодкор зиёлиларнинг, маданият ходимларининг обрў-эътиборини ҳам ошириш худди шундай муҳимдир. Улар бизга пахта ва ғалла каби зарурдир.

Республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида бой берилган катта имкониятлар экономикага планли раҳбарликдаги янглишишлар билан бевосита боғланган, деди ўз нутқида Ўзбекистон ССР Госплани раиси **И. И. Искандаров.** Бой хом ашё ресурсларидан яхши фойдаланилмаганлиги оқибатида республиканинг кўпгина эҳтиёжлари мамлакатнинг бошқа регионларидан ташиб келтириш ҳисобига қондирилмоқда. Территориал планлаштиришнинг роли пасайтириб юборилди, қарорлар қабул этишда ўзбошимчалик билан ёндашиш устунлик қилди — мана шуларнинг ҳаммаси номутаносибликларга, жойлардаги ташаббус пасайишига, экологиядаги жиддий нуқсонларга олиб келди. Агар химия саноатига сарфланган маблағдан агросаноат эҳтиёжлари учун ўз вақтида фойдаланилганида, қўшимча равишда бир миллиард сўмликдан кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулоти олиш имконияти туғилган бўлур эди. Етиштирилган пахта толасининг ўндан тўққиз қисмидан кўпроғи қайта ишлаш учун мамлакатнинг бошқа районларига ташилиб, ўринсиз транспорт чиқимларига ва республиканинг миллиардлаб даромадларидан маҳрум бўлишига олиб келмоқда. Натижада иш билан таъминлашни ўстиришга муваффақ бўла олмаяпмиз, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишга эриша олмаяпмиз. Юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон аҳолисининг жон бошига тўғри келадиган пул даромади Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичнинг салкам 60 процентини ташкил этади.

Ўртоқ Искандаров пахтачилик комплекси муаммоларига тўхталиб, нарх белгиланишида унинг жадал ривожланишига халақит бераётган камчиликларни кўрсатиб ўтди. Республика Госплани қишлоқ хўжалигини тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш учун бу соҳада йиғилиб қолган ҳал этилмаган масалаларнинг бутун мажмуасини чуқур ва пухта ишлаб чиқишига тўғри келади. План-иқтисодий иш экономиканинг янги вазифаларига ва уни бошқариш структурасига мос келадиган янги поғонага кўтарилиши ва бунда маҳаллий Советларнинг ошиб бораётган роли эътиборга олиниши керак. Нотиқнинг фикрича, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўз қарорлари ва кўрсатмаларининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириши лозим. Жумладан, республика Компартиясининг XXI съездида, Марказий Комитетнинг иккита пленумида ва партия-хўжалик активларининг йиғилишида пахта тайёрлаш пунктларини заводлардан олиб, хўжаликлар қарамоғига топширилмоқчи экани ҳақида гапирилган бўлса ҳам, аммо иш экспериментлардан нари ўтмади, ҳолбуки, шу экспериментлар бу тадбирнинг мақбул эканини тасдиқлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ўз қарорларининг бажарилишини суст назорат қилаётганлиги ҳали ҳам республика экономикасида сезиларли силжишлар рўй бермаётганлигининг сабабларидан биридир, — деди Наманган область ижроия комитетининг раиси **Б. Ж. Ҳакимов.** Ваъдаларни бажармаётган раҳбарларга нисбатан қаттиқ талабчанлик қилинмаяпти. Кадрларни танлашда «анкетага қараб ёндашиш» усулидан ҳали ҳам воз кечилмаган. Шунинг оқибатида бутун республикага, унинг партия ташкилотига қимматга тушаётган хатолар рўй бермоқда.

Марказий Комитет Бюроси, секретарлари, бўлимлари, бошқа ходимлари янги вазифаларни эски усуллар билан ҳал қилиш йўлидаги уринишлардан воз кечадиган пайт келди. Бу нарса пахтачиликда қандай оқибатларга олиб келганини кўрдик: Марказий Комитет мустақиллик, ташаббус ҳақида гапириш билан бирга областларга «вакиллар» ва комиссиялар юбораверди, ҳар бир жойнинг ва вақтнинг конкрет шароитларини эътиборга олмай, юқоридан кўрсатма берилаверди. Шу куч-ғайратни кўп йиллар мобайнида пахтакорларга яхшироқ нав бермай келаётган селекциячи-олимларга ёрдам беришга сарфланса яхшироқ бўлмасмиди?

Советларнинг янги ҳуқуқларига муносабат мисолида ҳам сўз билан иш ўртасидаги тафовут кўриниб турибди. Шу пайтгача ҳам область ижроия комитетларига ўзининг область бюджети маблағи ҳисобидан ҳатто кичик объектларни қуриш масалаларини мустақил ҳал этиш имконияти берилмаяпти. Турли идораларга қарашли корхоналарнинг «уй-жой программаси»ни бажаришдаги улушини кўпайтиришга ҳамон муваффақ бўлинмаяпти. Аввал бошданоқ барбод бўлиши маълум бўлган чорвачилик маҳсулотларини етиштириш планлари ҳали ҳам юқоридан юборилмоқда. Марказий Комитет Бюросининг аъзолари, бўлимларининг аппарати вужудга келган аҳволни била туриб, жуда зарур бўлган ёрдамни тезлик билан бермаяптилар.

Бугина эмас, энг юқори даражада берилган ваъдаларни бажармаслик ҳоллари ҳам содир бўлди. Ўтган йилги дон тайёрлаш планининг бажарилиши соҳасида яна шундай бўлди. Бутун йил давомида белгиланган пландан ташқари дон топширишга ҳеч ким мажбур қилинмайди, деб бир неча бор айтилди. Область раҳбарлари ҳам хўжаликларнинг барча раҳбарларига шундай деб ваъда беришди. Сўнгра эса республика ҳукумати дон юзасидан, уч марта қўшимча топшириқ белгилади, ҳатто декабрда ҳам дон топширишга тўғри келди. Иш шу билан тугадики, деҳқонлар белгиланган топшириқларни ошириб бажарган бўлсалар ҳам, чорва учун ваъда қилинган емнинг ярмисини ҳам олмадилар. Матлубот кооперацияси орқали гўшт тайёрлаш планининг бажарилиши ҳам шу аҳволга тушди. Республика раҳбарлари бу практикани неча марталаб қораладилар, декабрнинг охирги кунларида эса ўзлари яқиндагина тақиқлаган ишни ҳужжатлар орқали расмийлаштириш ҳақида телефонда кўрсатма бердилар. Бундай хатти-ҳаракатлар Марказий Комитетнинг обрў-эътиборига ва одамларнинг ўзгаришларга нисбатан ишончига путур етказади.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг секретари **А. Г. Руденко** сўз олади. Гарчи биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумини салбий ҳодисаларга қарши курашда асосий нуқта, деб атасак ҳам, дейди у, бироқ унда катта хатолар ва суиистеъмолларга йўл қўйган кишиларнинг фамилиялари тилга олинмаганлиги эсимизда. Ўшанда бу кишилар залда ўтирган эди. Воқеаларнинг бундай тус олиши принципсизлик нишонасидир. Марказий Комитет Бюросининг бугунги ҳисоботида кадрлар билан ишлашнинг аҳволи ёритиб берилди. Менинг назаримда ҳозир ҳам ана шу жуда муҳим ишда катта-катта камчиликлар ва оғишлар давом этиб келмоқда.

Нотиқ айниқса сайлаб қўйиладиган юксак лавозимларга кўтарилаётган кадрларнинг сиёсий, ишчанлик ва ахлоқий-маънавий фазилатларини талабчанлик билан чуқурроқ ўрганиш зарурлигини таъкидлади. Юксак лавозимларда хатоларга айниқса йўл қўйиб бўлмайди. Нотиқ ўз фикрини тасдиқлаш учун баъзи фактларни кўрсатди. Наманган областида ўтган даврлардаги моҳиятини ўзгартирмаган ва фақат ташқи қиёфасинигина ўзгартирган кишилар ҳали ҳам ишлаб келмоқдалар, деб таъкидлади у. Шу сабабли ҳар бир коммунист ҳамиша ва ҳар ишда партия аъзоси деган номга муносиб бўлиши зарур.

«Ўзбекфильм» студияси актёри **Ў. Алихўжаев** сўзга чиқди. У Ўзбекистон Кинематографчилари союзи правлениесининг яқинда бўлиб ўтган пленумида правлениенинг янги биринчи секретари сайлови қандай ўтказилганлиги тўғрисида гапирди. Маълумки, бу лавозимга СССР халқ артисти М. Қ. Қаюмов сайланган эди. Сўнгра у пленумда ҳозир бўлган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳамда СССР Кинематографчилар союзи масъул ходимлари тутган йўл муносабати билан афсусланганлигини билдирди. Ўша куни биринчи бўлиб кўрилган ташкилий масала қараб чиқилиши биланоқ, зарур ишлар борлигини баҳона қилиб, уларнинг ҳаммаси зални ташлаб чиқиб кетишди.

Айни вақтда бу ерга йиғилганлар асосий масала СССР Кинематографчилар союзи учинчи пленуми якунлари ва республика кино арбобларининг шундан келиб чиқадиган вазифалари ҳақидаги докладни эшитиб, муҳокама қилишлари керак эди. Келаси йилдан ўзбек киноси ҳаётига кинематографнинг янги қиёфаси, деб аталмиш услуб кириб келиши керак. Бу услуб савияси паст, истеъдодсиз яратилган асарлар йўлини тўсишга, ҳақиқий қобилиятли, истеъдодли одамларнинг ижодий фаоллигини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга даъват этилган. Агар масъул ўртоқлар ана шу муҳим масалани муҳокама қилишда қатнашганларида эди, улар кўпгина қизиқ нарсаларни эшитган ва, жумладан, бизнинг ижодий союзимизда, кинематографиямизда ҳақиқий қайта қуришгача ҳали анча вақт борлигини тушуниб олган бўлур эдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов пленумда якунловчи нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масала юзасидан пленум қарор қабул қилди.

Санъатнинг сеҳрли олами

## Юлдуз шуъласи жилваланади



Қадим замонларда, бундан бир неча аср муқаддам Хитойда чиннисоз усталар яшаган экан. Улар кулолчилик дастгоҳида турли-туман идиш-товоқлар ясаб, уларни хумдонларда пиширар, сўнгра ажойиб гуллар чизишар экан.

Хушбичим чойнак шу қадар нафис ишланганки, ўзидан майин, иссиқ нур таратаётгандек. У ҳозиргина хумдондан олинган. Орадан кўп ўтмай бу чойнак чинакам санъат асарига айланади.

Мазкур санъат асари Тошкентдаги турар-жой биноларининг ертўласида жойлашган кичиккина устахонада яратилмоқда. Ёш усталар ўз ижодий уюшмаларини «МИФ» деб аташибди. Бу «Биз ва чинни» деган маънони англатади. Улар ўз олдиларига чинни санъатини қайта тиклашдек катта вазифани қўйишган. Ёш рассомларнинг бирортаси ҳам махсус маълумотга эга эмас — мамлакатимиздаги бирорта ҳам олий ўқув юрти чинни санъати усталарини тайёрламайди.

Ҳикмат Ғуломов ижодий устахонанинг бадиий раҳбари, унинг қалби ва ғоявий илҳомчисидир. Асли у ҳайкалтарош, А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтини тугатган. Сўнгра Ленинградда машҳур Ломоносов заводи усталаридан ўқиб-ўрганган. Наталья Соколова — санъатшунос. Улуғбек Турсунхўжаев Тошкент сопол заводида ишлаган. Диксун Яхимбаев эса музлатиш қурилмалари бўйича инженер дипломига эга. Наталья Бартенева эса астрофизик бўлиши лозим эди.

Ташкилий масалаларни ҳал этиш учун уларга икки йил керак бўлди. ЖЭК уйлардан бирининг ертўласида болалар учун лой ишлари тўгарагини очган эди. Шундай қилиб бирлашма аъзолари кундузи болаларга сабоқ беришадиган, тунлари эса чинни қоришмаси устида бош қотирадиган бўлишди. Катта қийинчиликлар билан яроқсиз деб топилган кичкинагина пишитиш печини қўлга киритдилар. Кейин узоқ вақт уни электр тармоғига улаш учун рухсатнома олишга ҳаракат қилишди.

Ярим кечагача, баъзан эса саҳаргача ертўла ойналари ортидаги чироқ ўчмайди. Бу демак, ёш усталар ишлашяпти. Изланишлар, баҳсларда нафис, қўлда ясалган кўзалар вужудга келмоқда. Уларнинг айримлари Совет маданият фондининг Ўзбекистон бўлимидаги виставкада кўргазмага қўйилган. Улар томошабинларнинг ҳам, сўнгра бўлиб ўтган ким ошди савдоси қатнашчиларининг ҳам эътиборини жалб этди.

СУРАТДА: ижодий устахона аъзоларининг санъат музейида тарих фанлари кандидати Э. В. Рмвеладзе (чапдан иккинчи) билан учрашуви.

А. Кошкин фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

# ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

## КАШАНДАЛАР, ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

**Америкалик кашандаларнинг аҳволи тобора мушкуллашиб бораяпти. АҚШда кашандаликка қарши умуммиллий изчил кураш бошланганига мана 20 йилдан ошди. Шак-шубҳасиз тамаки чекмайдиган гражданлар ана шу курашнинг энг актив қатнашчилари бўлиб чиқишяпти. Улар у ёки бу ерда никотин заҳари билан нафас олишни, ўзлари истамаган ҳолда пассив кашандалар сафидан ўрин олишни исташмаяпти. Натижада мамлакатда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилувчилар сони сўнгги йилларда тобора камайиб бораяпти.**

**Ҳар бир штатда кашандаликка нисбатан маълум чеклашлар, қоидалар жорий этилган. Жумладан, Нью-Йоркда ишда, магазинда, меҳмонхоналарнинг залларида, кино-театрларда, банкларда, ўқув муассасаларида, жамоат транспортида тамаки чекиш ман этилган. Шу қоидани бузган кишиларга 250 доллар миқдорида жарима солинади. Чикагода эса тамаки тутуни мухлислари бундан ҳам оғир аҳволга тушиб қолишган. Шу шаҳардаги корхоналардан бирининг дирекцияси ўз ходимларининг уйида ҳам тамаки чекишларни таъқиқлаш ниятида. Ходим ўз уйида тамаки чекдими, йўқми аниқлаш имконини берадиган махсус усул ишлаб чиқилган. Агар унинг тамаки чекканлиги аниқланадиган бўлса, маъмурият бундай ходимни ишдан бўшатиши мумкин. Аммо кашандаларга нисбатан қўлланаётган ҳаддан ташқари жиддий чоралар юристлар эътиборини жалб этди. Улар маъмуриятнинг бундай ҳаракатларини шубҳали деб топмоқдалар.**

**АҚШнинг ички ҳаво йўлларида ҳам кашандаликка қарши фаол кураш олиб борилмоқда.**

**Тўғрисини айтиш керак, бундай истиқбол нохуш бўлган шароитда тамаки ишлаб чиқарувчи йирик фирмалар қандай йўл тутишмоқчи? Давр руҳи эътиборга олинмоқда, деб қайд этади Францияда чиқадиган «Фигаро» газетаси, ана шу фирмаларнинг аксарияти ўз корхоналарини бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мослаштирмоқдалар.**

**Таққослаб кўринг: Американинг «Ньюсуик» журнали маълумотларига қараганда кашанда эркаклар сони АҚШда 33 процентни, СССР да эса 70 процентни ташкил этар экан.**

## Телетайп лентасидан

ВАШИНГТОН. Американинг «Тинчликка олиб борадиган йўл» жамоат ташкилоти Никарагуа аҳолиси учун энг зарур буюмларнинг навбатдаги туркумини жўнатди. АҚШда ҳайри-эҳсон тариқасида йиғилган маблағга дори-дармонлар, кийим-кечаклар, болалар буюмлари ва китоблар харид қилинди. Бу буюмлар конгресс биносидан деярли юз метр нарида жойлаштирилди ва контейнерларга ортилди. Мана шу ишларни бажариш учун худди шу жой танланганлиги бежиз эмас, дейилади ташкилотнинг баёнотида. Конгресс бир неча кундан кейин Никарагуага қарши контрреволюцияга ёрдам бериш учун маблағ ажратиш тўғрисидаги масалани овозга қўяди. Ўтган чоршанба куни маъмурият конгрессдан маблағ ажратишни сўраган.

Объективда — АҚШ



**НЬЮ-ЙОРК. Гуггенхейм музейи Америка Қўшма Штатлари ана шу энг йирик шаҳрининг диққатга сазовор масканларидан бири. Мазкур галереянинг меъморчилик ечими ўзига хос: томоша заллари спираль бўйича пастдан юқорига қараб жойлашган. Бино шаклдор шишадан ясалган гумбаз билан якунланади.**

**Музейнинг кўп сонли экспонатлари томошабинларни ҳозирги замон рассомлари ва ҳайкалтарошларининг ижоди билан таништиради.**

**СУРАТДА: Гуггенхейм музейида.**

Прессфото — ТАСС фотоси.

